

## № 54 сонли пудрат шартномаси

Ш.Рашидов тумани

“ 19 ” Декабр 2022 йил

**Сирдарё-Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси** (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи раҳбари **Т.Хамзаев** ва **"GOLD LYUKS PROM " ХК** (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари **Х.Узоқбоев** лар мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**НС ва ЭБ тасарруфидаги Ш.Рашидов туманида жойлашган “№03-01-12” ва “№03-01-19” сўғориш қудуқларини тозалаш (Откачка) ва жорий таъмирлаш.**

1.3 Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4 Ишларни бажариш муддати:

Шартнома ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин шартнома қийматининг **30%** миқдорида бунақ туловларини амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

2.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича умумий қийматнинг **30%** аванс утказиши қолган қисми бажарилган иш буйича туланади. Мазкур шартноманинг баҳоси **66 395 599** (Олтмиш олти миллион уч юз тўқсон беш минг беш юз тўқсон тўққиз) сўмни ташкил қилади.

2.2 Ушбу шартнома буйича тулов пул утказиш йули билан тулов топшириқнома асосида амалга оширилади.

2.3. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йули билан амалга оширилади.

### 3. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи умумий шартнома қийматининг **30%** миқдорида бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг **20** (йигирма) банк кун муддатдан кечиктирмасдан қолган туловни амалга оширади.

3.2 Мазкур шартнома ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин кучга кириши ва «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

### 4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:**

4.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

4.1.2. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

4.1.3. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

4.1.4. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

4.1.5. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни **\_15\_** кун ичида текинга бартараф этиш.

4.1.6. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш буйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

4.1.7. Ишларни шахсан бажариш.

**4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

4.2.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин \_\_3\_кун ичида ёки мазкур шартномада кўрсатилган ишларни натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилишда шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

#### 4.3. Буюртмачи кўйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

4.3.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

### 5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 2.1 -бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан \_10\_% миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

### 6. Кафолатлар

#### 6.1. Пудратчи:

- ✓ Барча ишларни тулиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- ✓ Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларини сифатли бажаришни;
- ✓ Ўзи томонидан капитал таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қонтрукция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ✓ Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликларни ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиш;
- ✓ Объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

6.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар капитал таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгилайди.

6.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уларни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имкони бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш давригача узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

6.4 Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Давархитектқурилишназорат” инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### 7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 8. Низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилоят Иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

## 9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ва Ҳазначилик органидан рўйхатдан утгандан сўнг кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сўзгашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 10. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан ва Ҳазначилик органидан рўйхатдан утгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномага илова:

## 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Буюртмачи»

Насос станциялари ва  
энергетика бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

«Пудратчи»

“GOLD LYUKS PROM” ХК

(номи)

Манзил: Ш.Рашидов тумани Оби-хаёт даҳаси

Тел./факс 0-595-504-09-61

х/р 100021860082127042402170003

Банк номи Марказий банк ББХКМ Тош. Шаҳар

х/в\*\* 23402000300100001010

МФО 00014 СТИР 202390055

ОКОНХ 22100

Ҳазначилик бўлинмаси номи. Ўзб-н Рес-си Молия

Вазирлиги Ҳазначилиги ягона ҳисоб варағи

Ҳазна х/в \_\_\_\_\_

Банкнинг номи Марказий банк ББХКМ Тошкент шаҳар

МФО 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Манзил: Жиззах вилояти Пахтакор тумани

Тел./факс \_\_\_\_\_

х/в 20208000 9055 7889 7001


Банк номи: "Микрокредит банк" Пахтакор филиали

МФО 00135 СТИР 309 946 714

ОКОНХ \_\_\_\_\_

Раҳбар  Т.Хамзаев  
М.Ў.  
Муқошунос

Раҳбар  А.Авдобоев  
GOLD LYUKS PROM  
М.Ў.  
А.Авдобоев  
(Ф.И.Ш)

  
(ИМЗО)

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 206948 на приобретение Услуги по текущему ремонту глубинного насоса №03-01-12 ва №03-01-19 суғориш қудуқларини тозалаш (Откачка) ва жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 15.12.2022

Время рассмотрения 06.12.2022 10:37

Конкурсная комиссия Сирдаре-Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошкармаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XAMZAYEV TO'LKIN ASHIMOVICH	Бошқарма бошлиғи	Жиззах НС ва ЭБ
<b>Секретарь комиссии</b>	XUDAYQULOV JAXONGIR EGAMBERDIYEVICH	IchTB boshlig'i	Jizzax NS va EB
<b>Член комиссии</b>	ESHXUJAYEV RAXIM LUKMONOVICH	Булим бошлиғи	Жиззах НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	TAVBAYEV ABDUXALIL MAVLONOVICH	Bo'lim boshlig'i	Jizzax NS va EB
<b>Член комиссии</b>	DONIYOROV YORQIN TOLIPOVICH	Бош хисобчи	Jizzax NS va EB
<b>Член комиссии</b>	SUYUNOV ZAFAR QUVONDIQ O'G'LI	Boshliq o'rinbosari	Jizzax NS va EB

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.12.2022 года № лота 206948.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по текущему ремонту глубинного насоса</b>
Подробное описание	Услуги по текущему ремонту глубинного насоса №03-01-12 ва №03-01-19 суғориш қудуқларини тозалаш (Откачка) ва жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	76 354 939.00
Стартовая сумма	76 354 939.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Курилиш майдонини ўрганганлик тўғрисида маълумот 8-шакл бўйича. Маълумотни ташкилот мухри бн тасдиқланган холда жойлаш шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини ўрганганлик тўғрисида маълумот 8-шакл бўйича. Маълумотни ташкилот мухри бн тасдиқланган холда жойлаш шарт.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО FRIENDLY HOUSE	25	малумот илова этилади	12	Экспертная		
GOLD LYUKS PROM ХК	25	Курилиш майдонини ўрганганлик	8	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		тўғрисида маълумот 8-шакл бўйича.				

Критерий №2 Бюджетдан, муддати ўтган банк кредитлари, асосий ҳисоб рақамида К2, Банкротлик ёки тугатиш ҳолатида эмаслиги, ДСИда шубҳали корхоналар рўйхатида эмаслиги ва қарздорлиги йўқлиги (3 ва 4-шакллар). Маълумотлар Жорий кун ҳолатига бўлиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Бюджетдан, муддати ўтган банк кредитлари, асосий ҳисоб рақамида К2, Банкротлик ёки тугатиш ҳолатида эмаслиги, ДСИда шубҳали корхоналар рўйхатида эмаслиги ва қарздорлиги йўқлиги (3 ва 4-шакллар). Маълумотлар Жорий кун ҳолатига бўлиши шарт.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO FRIENDLY HOUSE</b>	25	малумот илова этилади	22	Экспертная		
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	25	Бюджетдан, муддати ўтган банк кредитлари, асосий ҳисоб рақамида К2, Банкротлик ёки тугатиш ҳолатида эмаслиги, ДСИда шубҳали корхоналар рўйхатида эмаслиги ва қарздорлиги йўқлиги (3 ва 4-шакллар). Маълумотлар Жорий кун ҳолатига Маълумотлар	22	Экспертная		

Критерий №3 Корхонанинг керакли техника ва транспортлари бўлиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонанинг керакли техника ва транспортлари бўлиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO FRIENDLY HOUSE</b>	25	малумот илова этилади	20	Экспертная		
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	25	Корхонанинг керакли техника ва транспортлари	22	Экспертная		

Критерий №4 Гувоҳнома ташкилот раҳбари паспорти ишчилар хақида маълумотнома mehnat.uz дан Код булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувоҳнома ташкилот раҳбари паспорти ишчилар хақида маълумотнома mehnat.uz дан Код булиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO FRIENDLY HOUSE</b>	25	малумот илова этилади	11	Экспертная		
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	25	Гувоҳнома ташкилот раҳбари паспорти ишчилар хақида маълумотнома mehnat.uz дан Код	21	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: Услуги по текущему ремонту глубинного насоса

Ценовые предложения			Порядок оценки ценовых предложений		
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	76 354 939.00	66 395 599.00 UZS	66 395 599.00	00.00	66 395 599.00
<b>ООО FRIENDLY HOUSE</b>	76 354 939.00	75 980 000.00 UZS	75 980 000.00	00.00	75 980 000.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 76 354 939.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	66 395 599.00 UZS	66 395 599.00	00.00	00.00	66 395 599.00	13.12.2022 13:27:34	20
<b>ООО FRIENDLY HOUSE</b>	75 980 000.00 UZS	75 980 000.00	00.00	00.00	75 980 000.00	13.12.2022 08:34:36	17.47713

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	58.4	20	78.4
<b>ООО FRIENDLY HOUSE</b>	52	17.47713	69.47713

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 206948 от 15.12.2022 года на приобретение Услуги по текущему ремонту глубинного насоса №03-01-12 ва №03-01-19 суғориш қудуқларини тозалаш (Откачка) ва жорий таъмирлаш определила победителем:

GOLD LYUKS PROM XK  
309946714

и резервный исполнитель: ООО FRIENDLY HOUSE ( 307386124 )

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	XAMZAYEV TO'LKIN ASHIMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ESHXUJAYEV RAXIM LUKMONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TAVBAYEV ABDUXALIL MAVLONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SUYUNOV ZAFAR QUVONDIQ O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП